

# الحديث الأربعين في أمور الدين

*Дин ишлари ҳақида қирқ ҳадис*

*(Қирқ ҳадис)*

**Мусанниф:**

*Имом хатиб Орифуллоҳ домла марҳум Муҳаммадий  
Солиҳий ўғли*

طبع في مطبعة الكريمة ببلدة قازان  
1331 هجرية موافق 1903 - ميلادية

Тошкент:  
2016

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Оламлар Робби Аллоҳга ҳамд бўлсин!

Саййидимиз ва Набиййимиз Муҳаммадга, У зотнинг Анбиё ва мурсаллардан бўлмиш жамики биродарларига, муқарраб фаришталарга ҳамда саҳобаларга салоту саломлар бўлсин!

Имом ва мужтаҳидлардан бўлган тобеинларнинг ҳаммаларига Аллоҳ таолонинг розилиги бўлсин!

### (СУННАТНИ МАҲКАМ ТУТИШ БОБИ)

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ҳашр сурсининг 7-оятда марҳамат қилади:

**«Расул сизга нимани берса, ўшани олинглар ва нимадан қайтарса, ўшандан қайтинглар. Аллоҳдан қўрқинглар. Албатта, Аллоҳ иқоби шиддатлидир».**

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «مَا أَمَرْتُكُمْ بِهِ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَيْتُكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا». رواه

ابن ماجه في سننه.

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Сизларга нимани буюрган бўлсам олинг ва сизларни нимадан қайтарган бўлсам, қайтингиз», дедилар.**

(Ибн Можа ўз сунанларида ривоят қилган).

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: «تَرَكْتُ فِيكُمْ أَمْرَيْنِ لَنْ تَضِلُّوا مَا تَمَسَّكْتُمْ بِهِمَا:

كِتَابَ اللَّهِ تَعَالَى، وَسُنَّةَ رَسُولِهِ». رواه ابن ماجه.

2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Сизга икки нарсани қолдирдим. Икковини маҳкам ушласангиз зинҳор залолатга кетмайсиз. Булар – Аллоҳ таолонинг Китоби ва Расулининг Суннати», дедилар.**

(Ибн Можа ривоят қилган)

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «مَنْ حَفِظَ عَلَيَّ أَرْبَعِينَ حَدِيثًا مِنَ السُّنَّةِ كُنْتُ لَهُ شَفِيعًا وَشَهِيدًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ». رواه الإمام السيوطي.

3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Умматим кимки суннатдан қирқ ҳадисни ёд олса, у учун Қиёмат куни шафоатчи ва гувоҳ бўлурман», дедилар.**

(Имом Суютий ривоят қилган)

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «مَنْ حَمَلَ مِنْ أُمَّتِي أَرْبَعِينَ حَدِيثًا بَعَثَهُ اللَّهُ تَعَالَى يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَمَعَهَا عَالِمًا». رواه الإمام السيوطي.

4. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Умматимдан кимки қирқ ҳадисни кўтарса (ёдласа) Аллоҳ таоло уни Қиёмат куни фақиҳ, олим ҳолида тирилтирур», дедилар».**

(Имом Суютий ривоят қилган)

(ИЛМ БОБИ)

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «طَلَبُ الْعِلْمِ فَرِيضَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ وَمُسْلِمَةٍ». رواه الإمام السيوطي في الدرر المنتورة في الأحاديث المشتهرة.

5. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Илм талаби ҳар бир мусулмон ва муслима учун фарздир», дедилар.**

(Имом Суютий «Ад дурару ал мансурату фи ал аҳадиси ал муштаҳира»да ривоят қилган).

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «أُطْلِبُوا الْعِلْمَ وَلَوْ كَانَ بِالصَّيْنِ فَإِنَّ طَلَبَ الْعِلْمِ فَرِيضَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ». رواه الإمام السيوطي في جامعه.

6. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Илмни гарчи Хитойда бўлса ҳам талаб қилинглр. Албатта илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон учун фарздир»,** дедилар.

(Имом Суютий Жомеъида ривоят қилган)

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «طَالِبُ الْعِلْمِ طَالِبُ الرَّحْمَةِ طَالِبُ الْعِلْمِ رُكْنُ الْإِسْلَامِ وَيُعْطَى أَجْرُهُ مَعَ النَّبِيِّينَ». رواه الإمام السيوطي في جامعه.

7. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Илм толиби раҳмат талабидаги кишидир. Илм толиби Ислом рукнидир. Унга Набийлар билан бирга ажри берилур»,** дедилар.

(Имом Суютий Жомеъида ривоят қилган)

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «طَالِبُ الْعِلْمِ تَبَسُّطٌ لَهُ الْمَلَائِكَةُ أَجْنَحَتَهَا رِضَاءً بِمَا يَطْلُبُ». رواه الإمام السيوطي في جامعه.

8. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Фаришталар илм толиби учун талаб қилаётган нарсасига розилик маъносида қанотларини ёйиб туришади».**

(Имом Суютий Жомеъида ривоят қилган)

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : الْعِلْمُ ثَلَاثَةٌ وَمَا سِوَى ذَلِكَ فَهُوَ فَضْلٌ آيَةٌ مُحْكَمَةٌ أَوْ

سُنَّةٌ قَائِمَةٌ أَوْ فَرِيضَةٌ عَادِلَةٌ. رواه أبو داود وابن ماجه

9. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:  
**«Илм учтадир. Улардан бошқаси зиёда фазилатдир:  
Муҳкам оят, қоим суннат ва одил фарз»,** дедилар.  
Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти.

**Изоҳ: «Илм учтадир».**

Бу ибодатдаги «илм»дан мурод шаръий илм эканини кейинги иборалардан тушуниб оламиз. Уларда оят, суннат ва фарз ҳақида гап кетмоқда, демак, нима демоқчи эканлиги маълум.

**1. «Муҳкам оят».**

Оят Қуръони каримнинг маълум бўлаги. Қуръондаги бошланиши ва тугаши маълум бўлак оят дейилиши ҳаммага маълум. Ҳадисда оят «муҳкам», деб васф қилинмоқда. Баъзи уламоларимиз буни очиқ-равшан ва насх бўлмаган оят, деб баён қилганлар. Менимча, бу тўлиқ тушунча бера олмайди.

Қуръони каримда оятларнинг ҳаммаси очиқ-равшан эканлиги баён қилинган. Насх қилинган (ҳукми амалдан қолдирилган) оятларни ўрганмаса бўлаверади, деган гап ҳам йўқ. Балки, аксинча, Қуръонни яхши тушуниш учун аввало оятларнинг носих-мансухини яхшилаб ўрганиш лозимлиги қайта-қайта таъкидланган. Демак, ҳадиси шарифдаги «муҳкам оят» иборасидан Қуръони каримнинг оятларини тўлиқ ўрганиш маъносини тушуниб оламиз.

Шаръий илмнинг биринчи асоси – Қуръони каримни ўрганиш экан. Бу эса улуғ илм бўлиб, ўзида бир қанча шўбаларни мужассам қилгандир. Келинг, қисқача бўлса ҳам шу ҳақда тўхталиб ўтайлик.

Аввало, Қуръон тиловатини ўрганиш керак. Бунинг учун эса, устоздан «Тажвид» илмини ўрганиш лозим. Ҳа, ўзича «тажвид» илмига бағишланган бир китобни ўқиб олиш билан киши бу илмни ўзлаштирган ҳисобланмайди.

Сўнгра ўша тажвид қоидаларига биноан, устоздан ҳар бир калимани, ҳар бир оятни қандоқ қироат қилишни ўрганиш керак. Устоз ўқиб берганидек қилиб, у кишига қайтариб ўқиб бериш ва шу ҳолда ўқишга устознинг ижозатларини олиш керак. Ана шунда Қуръон тиловат қилишни ўрганган бўлинади. Бу ҳар бир мусулмон учун фарз нарсадир.

Қуръон илмини тўлиқ билмоқчи бўлган киши араб тилини яхши билмоғи лозим. Чунки Қуръони карим араб тилининг олий даражадаги балоғат ва фасоҳат намуналарини ўзида мужассам қилган илоҳий китобдир.

Араб тилини ўрганиш эса, сарф наҳв, балоғат, фасоҳат каби бир қанча зарурий илмларни тўлиқ ўрганиш билан бўлади. Бу ишни эса, ҳар қандай араб ҳам удалай олмайди.

Қуръони каримни билиш учун «Қуръон илмлари» деб номланган илмлар мажмуасини ўрганиш керак.

Бу мажмуага жумладан, Қуръони карим тарихи, оятларнинг маккий ёки маданийлиги, муҳкам-муташобеҳлиги, ом-хослиги, носих-мансухлиги, нозил бўлиш сабаби, қайси оят аввал, қайсиниси кейин нозил бўлгани, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қандай тафсир қилганлари каби бир қанча илмлар қиради. Ким ушбу илмларни яхши ўзлаштириб, ояти карималар маъноси, уларда кўзланган мақсадни баён қилиш малакасига эга бўлса, муфассир-тафсирчи бўлади. Буни ҳар бир мусулмон билиши шарт эмас. Ҳар

бир мусулмон имкони борича ўрганишга уриниши лозим. Аммо ҳар бир жамиятда ўша жамият эҳтиёжларига яраша муфассир бўлиши шарт. Бўлмаса, ўша жамият аъзоларининг ҳаммаси гуноҳкор бўладилар.

Мазкур илмларни ўзлаштирган одам ушбу ҳадис таъбирича, шаръий илмларнинг учдан бирини ўзлаштирган бўлади. Икки-учта қисқа сурани чала ёдлаб олган одам «қори ака» бўлиб қолмайди. Қуръони карим маънолари таржимасини ўқиган одам ёки араб тилини билиб, арабча тафсир ўқиган одам ҳам муфассир бўлиб қолмайди.

## **2. «Қоим суннат»**

Шаръий илмларнинг иккинчи асоси – «қоим суннат», яъни, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидир.

Суннат нималиги, унинг шариатимиздаги аҳамияти ва бошқа масалаларни китобимиз муқаддимасида ўргандик.

Бу илм ҳам юқорида зикр қилинган Қуръон илмларига ўхшаб, ўзига хос бир қанча илмлардан ташкил топади. Ўша илмларни устозлардан ўрганиб, уларнинг изини олган кишилар суннат-ҳадис илми мутахассислари ҳисобланади.

Ҳадиси шарифлар маъносининг таржимасини ўқиган ёки баъзи бир ҳадисларни арабчадан таржима қила оладиган кишилар муҳаддис эмаслар.

Ҳар бир мусулмон имкони борича Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларидан хабардор бўлишга уриниши лозим. Лекин ҳар бир жамиятда, ҳар бир диёрда суннат илмида ўша жамият, ўша диёр эҳтиёжини қондирадиган даражада суннат илмини билувчи олимлар бўлиши фарзи кифоя. Шу нарса бўлмаса, ўша жамият, ўша диёр мусулмонлари ҳаммаси тарки фарз қилганлик гуноҳига қоладилар.

## **3. «Одил фаризат»**

Шаръий илмнинг учинчи асоси – «одил фаризат» деб аталади. Ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган «одил фаризат»дан мурод нима эканлиги ҳақида уламоларимиз икки хил фикр айтганлар.

Биринчиси, «одил фаризат»дан мурод – меросни адолат билан тақсим қилиш илми. Бу илми «Фароиз» илми ҳам дейилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу илмга алоҳида эътибор берганларининг сабаби бу илм энг биринчи орадан кўтариладиган илм бўлгани учундир.

Иккинчиси, «одил фаризат»дан мурод – мусулмонларга фарз бўлган нарсаларни билдирадиган илм, дегани. Яъни, Китоб ва Суннатдан кейинги, шариатимизнинг учинчи ва тўртинчи масдарлари ижмоъ ва қиёсларни билиш деганидир, дейилади.

Менимча, бу икки фикрнинг қўшилгани мақсадга мувофиқ. «Одил фаризат» ижмоъ ва қиёсни, мерос илмини ҳамда мусулмонларга фарз, вожиб бўлган ҳамма нарсалар илмини ўз ичига олади.

Бошқача қилиб айтганимизда, фикҳ илмини ифода қилади. Китобнинг аввалида ҳар бир муҳаддис ҳам фақиҳ бўла олмаслигини, Аҳмад ибн Ҳанбал ва Молик ибн Анас розияллоҳу анҳуларга ўхшаш баъзи улкан муҳаддислар эса, фикҳий мазҳабга асос солганларини, бошқа муҳаддислар эса, фикҳий мазҳаблардан бирига эргашганларини айтган эдик. (Машҳур муҳаддислардан фақат Имом Бухорийгина қайси фикҳий мазҳабда бўлганлари маълум эмас).

Худди шу гапни муфассирларимиз ҳақида ҳам такрорлаймиз. Улар ҳам маълум фикҳий мазҳабга эргашганлар. Чунки тафсир ўзига хос илм, фикҳ ўзига хос илм. Фикҳ илмига эга бўлиш ҳам осон эмас. Фақиҳ бўлиш учун кўпгина илмлардан бохабар бўлиш керак. Хусусан, «Усули фикҳ» номли илми билмаган одам шариатда ҳукм чиқариш масдарлари, усуллари нима эканини ва бошқа кўпгина қонун-қоидаларни билмайди.

Табиийки, бу улуғ илмга ҳамма ҳам сазовор бўлавермайди. Ҳар бир мусулмон учун фикҳ илмидан ўзига керакли нарсаларни ўрганиб олиш фарзи айн ҳисобланади. Ҳар бир жамият, ҳар бир ўлкага эса ўз эҳтиёжига яраша фақиҳлар тайёрлаб олиш фарзи кифоя

бўлади. Бу ишни қилмаган жамият ва ўлка мусулмонларининг барчаси гуноҳкор бўладилар.

Шу билан бирга, баъзи фикҳ китоблари ёки уларнинг таржимасини ўқиган билан одамлар фақиҳ бўлиб қолмасликларини ҳам билиб қўйишимиз керак.

Юқоридаги уч илмдан бошқа шариатга тааллуқли илмлар зарурат эмас, фазилат ҳисобланар экан.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «الْعِلْمُ ثَلَاثَةٌ : كِتَابٌ نَاطِقٌ وَسُنَّةٌ مَاضِيَةٌ وَلَا أَدْرِي».  
رواه الإمام السيوطي في جامعه.

10. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:  
**«Илм учтадир; Нотик китоб, юриб турган (жорий) суннат ва билмадим деб айтиш», дедилар.**  
(Имом Суютий Жомеъида ривоят қилган)

## (ИЙМОН ВА ИСЛОМ БОБИ)

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «الإيمانُ أنْ تُؤْمِنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ وَبِالْيَوْمِ  
الْآخِرِ وَالْقَدَرِ خَيْرِهِ وَشَرِّهِ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى وَالْبَعْثِ بَعْدَ الْمَوْتِ». رواه الإمام أبو الليث السمرقندي  
الحنفي في بستانه.

11. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:  
**«Иймон Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, расулларига ва охират кунига иймон келтирмоғинг, яхшию ёмон қадар Аллоҳ таолодан эканига ва ўлгандан кейин қайта тирилишга иймон келтирмоғинг», дедилар.**  
(Имом Абу Лайс Самарқандий «Бўстон»ида ривоят қилган)

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «لَا يُؤْمِنُ عَبْدٌ حَتَّى يُؤْمِنَ بِأَرْبَعٍ: بِاللَّهِ وَحَدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ وَأَنِّي رَسُولُ اللَّهِ وَبِالْبُعْثِ بَعْدَ الْمَوْتِ وَالْقَدَرِ». رواه ابن ماجه في سننه.

12. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Банда тўрт нарсага: шериги йўқ деб ёлғиз Аллоҳга, албатта, менинг Аллоҳнинг Расули эканимга, ўлимдан кейин қайта тирилиш ва қадарга иймон келтирмагунича мўмин бўла олмайди», дедилар».**

(Ибн Можа “Сунан”ида ривоят қилган)

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: « ذَاقَ طَعْمَ الْإِيمَانِ مَنْ رَضِيَ بِاللَّهِ رَبًّا وَبِالْإِسْلَامِ دِينًا وَبِمُحَمَّدٍ رَسُولًا ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ

13. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Ким Аллоҳни Робб, Исломни дин, Муҳаммадни Расул деб рози бўлса, иймон таъмини тотган бўлади», дедилар».**

(Имом Муслим ривоят қилган)

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «الْإِسْلَامُ أَنْ تَشْهَدَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ وَتُقِيمَ الصَّلَاةَ وَتُؤْتِيَ الزَّكَاةَ وَتَصُومَ رَمَضَانَ وَتَحُجَّ الْبَيْتَ إِنْ اسْتَطَعْتَ إِلَيْهِ سَبِيلًا ». رواه الإمام السيوطي في جامعه.

14. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Ислом – «Лаа илааҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ» деб шаҳодат келтирмоғинг, намозни тўқис адо қилмоғинг, закот бермоғинг, Рамазон рўзасини тутмоғинг, агар йўлга қодир бўлсанг, Байтни ҳаж қилмоғинг», дедилар.**

(Имом Суютий “Жомеъ”ида ривоят қилган)



قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «بُنِيَ الْإِسْلَامُ عَلَى خَمْسٍ: شَهَادَةِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ وَإِقَامِ الصَّلَاةِ وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ وَالْحَجِّ وَصَوْمِ رَمَضَانَ». رواه الإمام السيوطي في جامعه.

15. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Ислом беш нарсага бино қилингандир: «Лаа илааҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ», деб шаҳодат келтириш, намозни тўқис адо этиш, закот бериш, ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш», дедилар».**

(Имом Суютий “Жомеъ”ида ривоят қилган)

### (ПОКЛИК БОБИ)

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «لَا يَقْبَلُ اللَّهُ صَلَاةً إِلَّا بِطُهْرٍ وَلَا يَقْبَلُ صَدَقَةً مِنْ غُلُولٍ». رواه ابن ماجه.

16. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Аллоҳ поклик устига қурилган намозни қабул қилади ва хиёнатли садақани қабул қилмайди», дедилар. Ибн Можа ривояти.**

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «مِفْتَاحُ الصَّلَاةِ الطُّهُورُ وَتَحْرِيمُهَا التَّكْبِيرُ وَتَحْلِيلُهَا التَّسْلِيمُ». رواه ابن ماجه في سننه.

17. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Намознинг калити покликдир, унинг ҳаром қилиши такбири таҳрима биландир ва ҳалол қилиши саломдир», дедилар».**

(Ибн Можа “Сунан”ида ривоят қилган)

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «اسْتَقِيمُوا وَلَنْ تَخْصُوا وَعَلِمُوا أَنَّ خَيْرَ أَعْمَالِكُمُ الصَّلَاةُ وَلَا يُحَافِظُ عَلَى الْوُضُوءِ إِلَّا مُؤْمِنٌ». رواه ابن ماجه في سننه.

18. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Маромига еткиза олмасангизда истиқоматда бўлинг. Билингки, амалларингизнинг энг яхшиси намоздир. Таҳоратни фақатгина мўмин муҳофаза қилади», дедилар.**

Ибн Можа суналаридида ривоят қилдилар.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: مِفْتَاحُ الْجَنَّةِ الصَّلَاةُ وَمِفْتَاحُ الصَّلَاةِ الطُّهُورُ». مشكاة شريف.

19. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Жаннатнинг калити намоз, намознинг калити эса таҳоратдир», дедилар.**

**Мишкоту шариф китобида келтирилган.**

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «إِسْبَاغُ الْوُضُوءِ شَطْرُ الْإِيمَانِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ تَمْلَأُ الْمِيزَانَ وَالتَّسْبِيحُ وَالتَّكْبِيرُ تَمْلَأُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَالصَّلَاةُ نُورٌ وَالزَّكَاةُ بُرْهَانٌ وَالصَّبْرُ ضِيَاءٌ وَالْقُرْآنُ حُجَّةٌ لَكَ أَوْ عَلَيْكَ. كُلُّ النَّاسِ يَغْدُو فَبَائِعٌ نَفْسَهُ فَمُعْتِقُهَا أَوْ مُوبِقُهَا». رواه ابن ماجه في سننه.

19. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Таҳоратни тўқис қилиш иймоннинг ярмидир. «Алҳамдулиллаҳи» тарозуни тўлдирур. «Тасбиҳ» ва «такбир» осмонлару ерни тўлдирур. Намоз нурдир. Закот ҳужжатдир. Сабр зиёдир. Қуръон сенинг фойданга ёки зарарингга ҳужжатдир. Барча одамлар ҳаракат қилиб ўз жонини савдога қўювчидир. Бас, улар уни озод қилувчи ёки уни ҳалок қилувчилардир», дедилар».**

(Ибн Можа “Сунан” ида ривоят қилган)

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «مَا مِنْ أَمْرٍ مُسْلِمٍ تَحَضَّرُهُ صَلَاةٌ مَكْتُوبَةٌ فَيُحْسِنُ  
وَضُوءَهَا وَخُشُوعَهَا وَرُكُوعَهَا إِلَّا كَانَتْ كَفَّارَةً لِمَا قَبْلَهَا مِنَ الذُّنُوبِ مَا لَمْ يُؤْتِ كَبِيرَةً وَذَلِكَ الدَّهْرُ  
كُلُّهُ». مشكاة شريف.

20. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қайси бир мусулмон одамга фарз намоз (вақти) келса-ю, унинг таҳоратини, хушуъини ва рукуъини яхшилаб адо этса, албатта, у ўзидан олдинги гуноҳларга каффорот бўлур. Модомики, катта гуноҳ қилмаган бўлса. Бу доимо ҳамма вақт учундир», дедилар.

Мишкоту шариф китобида келтирилган.

### (НАМОЗ БОБИ)

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «الصَّلَوَاتُ الْحَمْسُ وَالْجُمُعَةُ إِلَى الْجُمُعَةِ وَرَمَضَانَ إِلَى  
رَمَضَانَ مُكَفِّرَاتٌ لِمَا بَيْنَهُنَّ إِذَا اجْتَنِبَ الْكَبَائِرُ». مشكاة شريف.

21. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Беш вақт намоз ва жумадан жумагача, рамазондан рамазонганча ўз ораларидаги (гуноҳ)ларни каффорот қилувчилардир. Агар катта гуноҳлардан четланилган бўлса» дедилар.

Мишкоту шариф.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «أَرَأَيْتُمْ لَوْ أَنَّ نَهْرًا بَبَابِ أَحَدِكُمْ يَغْتَسِلُ فِيهِ كُلَّ يَوْمٍ  
خَمْسَ مَرَّاتٍ هَلْ يَبْقَى مِنْ دَرَنِهِ شَيْءٌ قَالُوا: لَا يَبْقَى مِنْ دَرَنِهِ شَيْءٌ قَالَ: فَذَلِكَ مَثَلُ الصَّلَوَاتِ  
الْحَمْسِ يَمْحُو اللَّهُ بِهِنَ الْخَطَايَا». مشكاة شريف.

22. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Айтинглар-чи, агар бирингизнинг эшиги олдида анҳор бўлса, у ўшанда ҳар куни беш марта ювиниб турса, унинг киридан бирор нарса қоладими?» дедилар.

«Унинг киридан ҳеч нарса қолмайди», дейишди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Беш маҳал намоз ҳам ана шундайдир, у ҳам хатоларни ювади», дедилар».

Мишкоту шариф.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: « خَمْسُ صَلَوَاتٍ افْتَرَضَهُنَّ اللهُ تَعَالَى، مَنْ أَحْسَنَ  
وُضُوءَهُنَّ وَصَلَّاهُنَّ لِقَوْتِهِنَّ وَأَتَمَّ رُكُوعَهُنَّ وَخُشُوعَهُنَّ كَانَ لَهُ عَلَى اللهِ عَهْدٌ أَنْ يَغْفِرَ لَهُ وَمَنْ لَمْ  
يَفْعَلْ فَلَيْسَ لَهُ عَلَى اللهِ عَهْدٌ إِنْ شَاءَ غَفَرَ لَهُ وَإِنْ شَاءَ عَذَّبَهُ». مشكاة شريف

23. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ таоло беш вақт намозни фарз қилган. Кимки у учун таҳоратни яхшилаб қилса, рукуъ-хушуъни жойига келтириб вақтида ўқиса, Аллоҳнинг зиммасида уни мағфират қилиш аҳди бўлур. Ким қилмаса, унга Аллоҳнинг зиммасида аҳд бўлмайди. Хоҳласа мағфират қилади. Хоҳласа азоблайди», дедилар.

Мишкоту шариф.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: « صَلُّوا خَمْسَكُمْ وَصُومُوا شَهْرَكُمْ وَأَدُّوا زَكَاةَ أَمْوَالِكُمْ  
وَأَطِيعُوا ذَا أَمْرِكُمْ تَدْخُلُوا جَنَّةَ رَبِّكُمْ». مشكاة شريف.

24. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Беш маҳал намозингизни ўқинглар, (Рамазон) рўзасини тутинглар, молларингизнинг закотини беринглар ва иш бошингизга итоат этинглар, Роббингизнинг жаннатига кирурсизлар», дедилар.

Мишкоту шариф.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «مَنْ حَافِظٌ عَلَيْهَا كَانَتْ لَهُ نُورًا وَبُرْهَانًا وَنَجَاةً يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَمَنْ لَمْ يُحَافِظْ عَلَيْهَا لَمْ تَكُنْ لَهُ نُورًا وَلَا بُرْهَانًا وَلَا نَجَاةً وَكَانَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مَعَ قَارُونَ وَفِرْعَوْنَ وَهَامَانَ وَأَبِي بَنِي خَلْفٍ». مشكاة شريف.

25. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Ким у (беш вақт намоз)ни муҳофаза қилса, у учун Қиёмат куни нур, ҳужжат ва нажот бўлур. Ким уни муҳофаза қилмаса, у учун нур ҳам, ҳужжат ҳам, нажот ҳам бўлмас. Қиёмат кунида Қорун, Фиръавн, Ҳомон ва Убай ибн Халаф бирла бўлур», дедилар.**

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: « لَنْ يَلِجَ النَّارَ أَحَدٌ صَلَّى قَبْلَ طُلُوعِ الشَّمْسِ وَقَبْلَ غُرُوبِهَا، يَعْنِي الْفَجْرَ، وَالْعَصْرَ ». مشكاة شريف.

26. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Қуёш чиқишидан ва ботишидан аввал, яъни бомдод ва асрни бирор кимса ўқиса дўзахга кирмас, », дедилар. Мишкоту шариф.**

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «مَنْ صَلَّى الْبَرْدَيْنِ دَخَلَ الْجَنَّةَ».

27. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Ким икки совуқ намозни, яъни бомдод ва асрни ўқиса, жаннатга кирур», дедилар.**

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «مَنْ صَلَّى الْعِشَاءَ فِي جَمَاعَةٍ فَكَأَنَّمَا قَامَ نِصْفَ اللَّيْلِ وَمَنْ صَلَّى الصُّبْحَ فِي جَمَاعَةٍ فَكَأَنَّمَا صَلَّى اللَّيْلَ كُلَّهُ». مشكاة شريف.

28. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Ким хуфтон намозини жамоат ила ўқиса, худди туннинг ярмини ибодат билан бедор ўтказгандек бўлади.**

**Ким бомдод намозини жамоат билан ўқиса, худди туннинг ҳаммасини намоз ўқиб ўтказгандек бўлади», дедилар».**

Мишкоту шариф.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «مَنْ تَرَكَ صَلَاةً عَامِدًا لَقِيَ اللَّهَ وَهُوَ عَلَيْهِ غَضَبَانُ».  
الجامع الصغير للإمام السيوطي.

9. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Ким намозни қасдан тарк этса, Аллоҳга ундан ғазабланган ҳолда рўбрў бўлур», дедилар.**

Имом Суютийнинг “Ал жомиъу ас Сағир” китоби.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «مَنْ تَرَكَ الْجُمُعَةَ بِغَيْرِ عُدْرٍ فَلْيَتَصَدَّقْ بِدِينَارٍ فَإِنْ لَمْ يَجِدْ فَبِنَصْفِ دِينَارٍ». الجامع الصغير للإمام السيوطي.

30. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Ким бир жумани узрсиз тарк қилса, бир динор садақа қилсин. Агар топмаса, ярим динор садақа қилсин», дедилар».**

Имом Суютийнинг “Ал жомиъу ас Сағир” китоби.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «مَنْ تَرَكَ ثَلَاثَ جُمُعَاتٍ مِنْ غَيْرِ عُدْرٍ كُتِبَ مِنَ الْمُتَنَافِقِينَ». الجامع الصغير للإمام السيوطي.

31. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Ким узрсиз уч жумани тарк қилса, мунофиқлардан деб ёзилади», дедилар.**

Имом Суютийнинг “Ал жомиъу ас Сағиру” китоби.

## (ЗАКОТ БОБИ)

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: « مَنْ آتَاهُ اللَّهُ مَالًا فَلَمْ يُؤَدِّ زَكَاتَهُ مَثَلٌ لَهُ مَالُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ شُجَاعًا أَقْرَعٌ لَهُ زَيْبَتَانِ يُطَوِّقُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ثُمَّ يَأْخُذُ بِلَهْزَمَتَيْهِ يَعْنِي بِشِدْقَيْهِ ثُمَّ يَقُولُ أَنَا مَالِكٌ أَنَا كَنْزُكَ ثُمَّ تَلَا: وَلَا يَحْسِبَنَّ الَّذِينَ يَبْخُلُونَ... الآية». مشكاة شريف.

32. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимга Аллоҳ молу дунё берса-ю, у закотини адо қилмаган бўлса, қиёмат куни у унга кўзойнакли илон бўлиб кўринади. Унинг икки тиши чиқиб туради. У қиёмат куни бўйнидан бўғиб олади. Сўнг икки жағ суягидан тишлаб туриб:

«Мен сенинг молингман! Мен сенинг тўплаган хазинангман!» дейди», дедилар ва:

«Аллоҳ уларга Ўз фазлидан берган нарсада бахиллик қилганларга уни яхши, деб ҳисобламанглар. Йўқ! У улар учун ёмондир. Қиёмат куни бахиллик қилган нарсалари ила, албатта, бўғилурлар», оятини тиловат қилдилар» (Оли имрон сураси, 180-оят).

Мишкоту шариф.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: « مَا مِنْ رَجُلٍ يَكُونُ لَهُ إِبِلٌ أَوْ بَقَرٌ أَوْ غَنَمٌ لَا يُؤَدِّي حَقَّهَا إِلَّا أَتَىٰ بِهَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَعْظَمَ مَا يَكُونُ وَأَسْمَنُهُ تَطَوُّهُ بِأَخْفَافِهَا وَتَنْطِخُهُ بِقُرُونِهَا كُلَّمَا جَاذَتْ أُخْرَاهَا رُدَّتْ عَلَيْهِ أَوْلَاهَا حَتَّىٰ يُقْضَىٰ بَيْنَ النَّاسِ ». متفق عليه. مشكاة شريف.

33. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимнинг туяси, қорамоли ва қўйи бўлатуриб, ҳақини адо қилмаса, албатта, қиёмат куни ўшалар энг катта ва семиз ҳолида келтирилади. Улар уни туёқлари билан тепадилар, шохлари билан сузадилар. Қачон унинг олдидан охиргиси ўтса, олдингиси қайтиб келади. Одамлар орасида ҳукм чиқарилгунча шундоқ давом этади», дедилар».

Муттафақун алайҳ. Мишкоту шариф.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: « إِذَا أَدَّيْتَ زَكَاةَ مَالِكَ فَقَدْ قَضَيْتَ مَا عَلَيْكَ ». رواه ابن ماجه في سننه.

34. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:  
**«Қачон молингнинг закотини адо қилсанг, батаҳқиқ, зиммангдаги бурчни бажарибсан»**, дедилар».  
Ибн Можа “Сунан” китобида ривоят қилган.

(ҲАЖ БОБИ)

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: « مَنْ حَجَّ لِلَّهِ فَلَمْ يَرْفُثْ وَلَمْ يَفْسُقْ رَجَعَ كَيَوْمِ وَلَدَتْهُ أُمُّهُ ». متفق عليه. مشكاة شريف.

35. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:  
**«Ким Аллоҳ учун ҳаж қилса, фаҳш сўз айтмаса ва фисқу фасод қилмаса, худди онаси тукқан кунидек қайтади»**, дедилар».

Муттафақун алайҳ. Мишкоту шариф.

«الْحَاجُّ وَالْعُمَرَاءُ وَقَدْ لَدَّ اللَّهُ، إِنْ دَعَوْهُ أَجَابَهُمْ، وَإِنْ اسْتَعْفَرُوا غُفِرَ لَهُمْ». مشكاة شريف

36. **«Ҳаж ва умра қилувчи Аллоҳнинг меҳмонларидир. Унга дуо қилсалар, ижобат қилур. Истиғфор айтсалар, мағфират қилур»**, дедилар.

«الْعُمْرَةُ إِلَى الْعُمْرَةِ كَفَّارَةٌ لِمَا بَيْنَهُمَا وَالْحَجُّ الْمَبْرُورُ لَيْسَ لَهُ جَزَاءٌ إِلَّا الْجَنَّةُ». مشكاة

شريف.



**37. «Умрадан кейинги умра иккисининг орасидаги нарсаларга каффоротдир. Ҳажжи мабрурнинг мукофоти жаннатдан бошқа нарса эмас».**

Мишкоту шариф.

\* Мабрур ҳаж – барча арконларига риоя этиб, гуноҳ содир этмаган ҳолда адо қилинган мақбул ҳаж.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «مَنْ لَمْ يَمْنَعَهُ مِنَ الْحَجِّ حَاجَةٌ ظَاهِرَةٌ أَوْ سُلْطَانٌ جَائِرٌ أَوْ مَرَضٌ حَاسٍ فَمَاتَ وَلَمْ يَحُجَّ فَلَيْمَتْ إِنْ شَاءَ يَهُودِيًّا وَإِنْ شَاءَ نَصْرَانِيًّا». مشكاة شريف.

36. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Кимни ҳаждан аниқ ҳожат ёки золим султон ёки тўсиб қолувчи беморлик ман қилмасдан ҳаж қилмай ўлиб қолса, хоҳласа яҳудий ҳолида, хоҳласа насроний ҳолида ўлсин», дедилар.**

Мишкоту шариф.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «مَنْ خَرَجَ حَاجًّا أَوْ مُعْتَمِرًا أَوْ غَازِيًّا ثُمَّ مَاتَ فِي طَرِيقِهِ كَتَبَ اللَّهُ لَهُ أَجْرَ الْغَازِي وَالْحَاجِّ وَالْمُعْتَمِرِ». مشكاة شريف.

37. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Ким ҳожи ёки умрачи ёки ғозий бўлиб чиқсаю, кейин йўлида вафот этса, Аллоҳ унга ғозий, ҳожи ва умрачининг ажрини ёзади», дедилар.**

Мишкоту шариф.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «تَابِعُوا بَيْنَ الْحَجِّ وَالْعُمْرَةِ فَإِنَّهُمَا يَنْفِيَانِ الْفَقْرَ وَالذُّنُوبَ كَمَا يَنْفِي الْكَبِيرُ خَبَثَ الْحَدِيدِ وَالذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ وَلَيْسَ لِلْحَجَّةِ الْمَبْرُورَةِ ثَوَابٌ إِلَّا الْجَنَّةُ». مشكاة شريف.

38. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Хаж билан умрани кетма-кет қилинг. Албатта, иккиси худди босқон, темир, тилло ва қумушнинг кирини кетказганидек фақирлик ва гуноҳларни кетказди. Хажжи мабрурнинг жаннатдан бошқа савоби йўқ», деб айтдилар.

Мишкоту шариф.

## (РЎЗА БОБИ)

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «إِنَّ اللَّهَ افْتَرَضَ صَوْمَ رَمَضَانَ وَسَنَنْتُ لَكُمْ قِيَامَهُ فَمَنْ صَامَهُ وَقَامَهُ إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا وَبِقِيَانًا كَانَ كَفَّارَةً لِمَا مَضَى». الجامع الصغير للإمام السيوطي.

38. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ Рамазон рўзасини фарз қилди. Мен сизларга унинг қиёмини суннат қилдим. Ким иймонла, ихлосла ва ишончла у (ой)нинг рўзасини тутса, унда қоим бўлса, ўтган (гуноҳ) ларига каффорот бўлур», дедилар.

Имом Суютийнинг “Ал Жамиъу ас сағиру” си.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «إِنَّ فِي الْجَنَّةِ بَابًا يُقَالُ لَهُ الرَّيَّانُ يَدْخُلُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ يُقَالُ أَيِّنَ الصَّائِمُونَ فَمَنْ كَانَ مِنَ الصَّائِمِينَ دَخَلَهُ لَمْ يَظْمَأْ أَبَدًا». رواه ابن ماجه في سننه.

39. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Жаннатнинг бир эшиги бўлиб, Райён дея номланур. Қиёмат кунида “Рўзадорлар қаерда?” дея чақирилур. Ким рўзадорлардан бўлса, ундан кирур ва ҳеч қачон чанқамас», дедилар.

Ибн Можа “Сунан”ида ривоят қилган.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: « إِذَا كَانَتْ أَوَّلُ لَيْلَةٍ مِنْ رَمَضَانَ صُفِّدَتِ الشَّيَاطِينُ وَمَرَدَةُ الْجِنِّ وَعُلِّقَتِ أَبْوَابُ النَّارِ فَلَمْ يُفْتَحْ مِنْهَا بَابٌ وَفُتِّحَتْ أَبْوَابُ الْجَنَّةِ فَلَمْ يُغْلَقْ مِنْهَا بَابٌ

وَيُنَادِي مُنَادٍ: يَا بَاغِيَ الْخَيْرِ أَقْبِلْ وَيَا بَاغِيَ الشَّرِّ أَقْصِرْ وَلِلَّهِ عِتْقَاءُ مِنَ النَّارِ وَذَلِكَ كُلُّ لَيْلَةٍ».

مشكاة شريف وابن ماجه.

40. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:  
«Қачон Рамазон ойининг аввалги кечаси бўлса, шайтонлар ва ўзбошимча жинлар кишанланур. Дўзахнинг эшиклари ёпилур. Улардан бирор эшик очилмас. Жаннатнинг эшиклари очилур. Улардан бирор эшик ёпилмас. Бир нидо қилгувчи:

«Эй яхшилик истовчи, келиб қол! Эй ёмонлик истовчи, бас қил!» деб нидо қилур. Аллоҳнинг дўзахдан озод қилинган (банда)лари бўлур. Ҳар кеча шундоқ бўлур».